



2020 yil 18 mart

307-Қ - sonli

Ishtixon sh.

“Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамиятига антенна мачта иншооти ва унга тегишли курилмаларни ўрнатиш учун Иштихон туман ҳудудидан доимий фойдаланишга 165,0 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 20-23-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПФ-4329-сонли Фармонининг 9-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва ”Электрон ҳукумати” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 майдаги ПФ-4321-сонли Фармонининг 4-д бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги №63-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамиятининг Самарқанд шаҳридаги хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Ф.Шариповнинг мурожаатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳалий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Иштихон туман ҳокимининг 2019 йил 20 майдаги 3345-Қ-сонли қарорига асосан тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиянинг 2020 йил 5-февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамиятига антенна-мачта иншооти ва унга тегишли курилмаларни ўрнатиш учун Иштихон тумани “Барлос” МФЙ ҳудудидаги 68-рақамли контурдан 55 кв.м, “Бахрин” МФЙ ҳудудидаги 142-рақамли контурдан 55 кв.м, “Янгиравот” МФЙ ҳудудидаги 63-рақамли контурдан 55 кв.м ер майдонлари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин ва тегишли қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берилсин.

3. “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамиятининг Иштихон туман ҳудуди бўйича умумий ер майдонлари 165,0 кв.м. этиб белгилансин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов) ва туман бош архитектори (А.Муродов)ларга туман ҳокимлиги ҳамда “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамияти ўртасидаги ер ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойда ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамиятига ер майдони ажратилиши муносабати билан амалдаги қонунлар асосида солиқларни ундириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов